

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ф. 01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ ШАРОФИДДИН ШАМШУРОВИЧ

ИЖТИМОЙ ЗИДДИЯТЛАР ТАБИАТИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ
ЙЎЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК:323(327:101.8:316.6(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович

Ижтимоий зиддиятлар табиати ва уларни ечиш йўллари.....5

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович

Природа социальных конфликтов и пути их решения.....23

Hasanov Sharofiddin Shamshurovich

The nature of social conflicts and their solutions41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ф. 01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ ШАРОФИДДИН ШАМШУРОВИЧ

ИЖТИМОЙ ЗИДИЯТЛАР ТАБИАТИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ
ЙЎЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal 174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.Fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джавакова Каринэ Владимировна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Агзамходжаева Саида Собитхоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Раматов Жуманиёз Султонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат иқтисодий
университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F. 01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

И. Эргашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, сиёсий фанлар доктори,
профессор

Г. М. Рузматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, фалсафа фанлари доктори
профессор

О. Д. Нишонава

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон микёсида давом этаётган ижтимоий ҳаётнинг глобал трансформацияси жараёни ўзида ўзаро самарали мулоқот олиб бориш контекстида ижобий тенденцияларни намоён қилиш билан бир қаторда турли халқлар ва давлатлар ўртасида зиддиятларни ҳам юзага келтирмоқда. Ижтимоий зиддиятлар инсоният тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у асосан кичик ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий табақалар, этник жамоалар ва бутун давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мураккаб жиҳатларини ифода этади. XXI аср низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш асрига айланади. Чунки айнан ўтган асрдаги зиддиятлар миллионлаб одамларнинг ўлимига сабабчи бўлди. Икки жаҳон уруши, маҳаллий ҳарбий тўқнашувлар, террористик ҳаракатлар, ҳокимият учун куролли кураш, турли даражадаги қотилликлар, тўқнашувлар олиб борилган илмий изланишлар натижасига кўра, ўтган асрда 300 миллионгача инсоннинг ҳаётига зомин бўлган. Бугунги давр ижтимоий зиддият муаммосига ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан қараш зарурлигини кўрсатаяпти.

Ижтимоий зиддиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини излаш билан шуғулланувчи АҚШ, Канада, Франция, Англия, Япония, Россия тадқиқот институтларида одамларнинг хулқ-атвори ва турли даражадаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга оид дастурлар ва конструктив хатти-ҳаракатларни ўрганиш, жамият ҳаётида ижтимоий зиддиятли вазиятнинг юзага келиш сабаблари ва оқибатлари, халқаро муносабатлардаги зиддиятларни камайтиришга қаратилган ташаббуслар, синфий, миллатлараро ва сиёсий зиддиятларни ҳал қилишда яхлит ёндашувнинг афзаллиги, ижтимоий зиддиятларнинг иқтисодий, сиёсий, миллатлараро ва бошқа ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йиллардаги амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, турли даражадаги ижтимоий зиддиятлар субъектларининг мақоми ва ресурслари, ҳуқуқлари ва таъсири тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда жамият ҳаётининг муҳим омилларидан бўлган ижтимоий зиддиятларни зўрлик ишлатмай ҳал қилиш амалиётини йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда бугун конституциявий ва демократик ҳуқуқ ҳамда эркинликларга амал қилиш даражаси билан бир вақтда шахс ва умуман, жамиятнинг маънавий маданияти ва иқтисодий даражасини ҳам юксалтириш учун соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»¹. Мамлакатимиз ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий зиддиятларни олдини олиш этник, субмаданий, диний, сиёсий ёки бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Конституция – халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули, асрий кадрларимизнинг беқиёс тимсолидир» мавзудаги маърузаси// Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий зиддиятлар ҳақидаги тарихий-фалсафий қарашлар илмий билимлар шакллана бошлаган даврлардаёқ мутафаккирлар диққатини тортган. Жумладан, Шарқ илмий меросининг илк ёзма манбаи бўлган Авестода ҳам ижтимоий зиддиятларга алоҳида эътибор қаратилган. Авестода илгари сурилган «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» ибораларининг замирида носоғлом зиддиятларга қарши ғоялар ўз ифодасини топган. Чунончи, эзгу фикр инсонни камолотга етаклайди. Эзгу сўз инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг ўзаро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган турли зиддият ёхуд адоват ва ёвузлик каби салбий ҳолатлардан холи бўлишларида ёрдам беради. Эзгу амал эса, бир томондан, одамларни меҳнат қилиш, яратувчиликка ундаса, бошқа томондан, меҳнат орқалигина инсон фаровон яшаши мумкинлигини кўрсатиб беради.

Қадимги манбаларда, жумладан, «Трипитака», «Ведалар»да, шунингдек Конфуций, Мао Цзи, Лао Цзи, Сукрот, Афлотун, Арасту, Цицерон² сингари қадимги донишмандларнинг асарларида ижтимоий зиддиятлар, уларнинг сабаблари ва ечими масалаларига жиддий эътибор қаратилганини кўриш

² Чаттерджи С., Датта Д. Индийская философия. – Москва, 1994. – С. 19–20.; Конфуций. Лунь Юй / Классическое конфуцианство. В 2 т. Т. 1. – Санкт Петербург, 2000. – С. 113, 167, 181, 184 (фрагм. 4–16, 13–27, 15–22, 15–34).; Иллюстрированный гадательный «И Цзин» / Пер. с древнекит., сост., прим. Гуань Сюояя. – Москва, 2001. – С. 512.; Фрагменты ранних греческих философов. Ч.1. – Москва, 1989. – С. 217.

мумкин. Инжил, Қуръони карим каби муқаддас китоблар ҳам барча турдаги зиддиятлар бўйича саволларга жавоб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шарқ мутафаккирларидан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний³ каби буюк аждодларимизнинг асарларида ижтимоий зиддият, унинг ечимини топиш асосида жамият аъзоларини тартибли яшашга даъват этиш масалалари таҳлил қилинган.

Зиддиятларнинг ижтимоий-фалсафий ва гносеологик жиҳатлари Л. Фон Мизес, Х. Ортега-и-Гассет, П. Мицич, П. Рекер, Р. Фишер, У. Юри, Ж. Робинсон, Я. Стюарт, В. Джойнс, Н. Макиавелли, Р. Декарт, Т. Гоббс, И. Кант, Г. Гегель, Ф. Ницше, М. Вебер, М. Каган, О. Конт, Н. Бердяев, З. Фрейд, А. Бэттлер, Т. Веблен, В. Гласс, Дж. Стенли, Д. Майерс, Ж. Ходжсон, В. Зигерт, Л. Ланг, К. Иберла, Г. Кимбл, Л. Козер, П. Липман, М. Мескон⁴ каби ғарб файласуфларининг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэконнинг ижтимоий зиддиятларнинг табиати ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. У биринчи бўлиб мамлакатда ижтимоий зиддиятлар юзага келишининг сабабларини, ижтимоий тартибсизликларнинг моддий, сиёсий, психологик шарт-шароитларини назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилган ва уларни бартараф этиш усулларини таклиф этган. Бэкон ижтимоий зиддиятлар келиб чиқишида моддий сабаблар, айниқса аҳолининг қашшоқлиги ҳал қилувчи ўрин тутишини чуқур англаган.

Бу даврда Ғарб файласуф олимлари Д. Пристли, Ш. Монтескье, Д. Дидро, Ж. Ж. Руссо, Вольтер ва бошқалар⁵ ижтимоий зиддиятлар, тажовузкорлик ҳамда зўравонлик борасида кескин танқидий фикрлар билдиришган. Масалан, улар носоғлом ижтимоий зиддиятларда «ёввойи давр» қолдиғини кўрганлар.

Т. Парсонснинг фикрича, ижтимоий тараққиёт организм, шахс, ижтимоий тизим ва маданиятдан иборат тўрт даражада намоён бўлади. К. Ясперснинг фикрича, инсонлар ўртасидаги зиддиятларнинг сабаби уларни ҳал қилишда эркинликнинг инсонлар томонидан тушунилиш даражаси билан бевосита боғлиқ ҳолда изоҳланиши зарур. Яъни, бир одам учун эркинликни рўёбга чиқаришнинг мақбул йўли бошқа инсон учун мутлақо номақбул

³ Қаҳҳорова Ш. Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009.; Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. – Тошкент: Адолат, 2002. – 411 б.; Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-275; Румий Жалолиддин. Қалб кўзингни оч... Мавлоно Румийдан ҳикматли сўзлар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова. – Тошкент: Саностандарт, 2011. – Б. 160.; Абдурахмон Гўзал. Яссавий факрнома. – Тошкент: «Наврўз», 2014. – Б. 264.; Абдулғани ан-Наблусий. Мифтоҳ ул-маъия. – Қоҳира: Дар ул-жавдия, 2008. Аҳмад ибн Ажиба Ал-футуҳот ул-илоҳия фи шарҳ ал-мабоҳис ал-аслия. – Қоҳира: Дар ул-хайр, 2010. – Б. 11.; Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб // Асарлар. 15-том. – Тошкент, 2005.; Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 160.

⁴ Сергеев С.А. История конфликтологии. — Казань: 2010. — С. 234.

⁵ Сергеев С.А. История конфликтологии / С.А.Сергеев. – Казань: Изд-во Казан. гос. технол. ун-та, 2010. – С. 234.

бўлиши мумкин. Ҳатто ўз озодлигидан воз кечиб, қулликни ихтиёр қилишни ҳам эркинликнинг олий даражаси деб ҳисоблаганлар бўлган⁶.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ижтимоий зиддиятлар жараёни, ривожланган давлатларда ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш йўллари, хавфсизликни таъминлашга доир ёндашувлар Р. Абдулатипов, П. Ковачек, О. Ларичев, М. Лебедева, М. Малиева, М. Мамонтов, В. Малецкий, Е. Морозова, М. Наринский, Г. Почепцов, П. Сергоманов, Б. Хасан, А. Чумиков каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрича, ҳозирги даврда барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларнинг кенгайиб, чуқурлашиб бораётгани жамиятда зиддият ва туб ўзгаришлар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Янги даврда ижтимоий зиддият масалалари Шарқ олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда. Жумладан, М. Авати, С. Кумар, В. Жафа Синг, Р. Рожа Саиндраражан, С. Свами, О. Спейт, С. Хуршид, Н. Маханта каби олимлар Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий зиддиятлар таҳлиliga эътибор қаратишган.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили билан шуғулланган А.Б.Грешнов, В.М.Топорков, Л. Млечин, А. Коновалов, С. Кравец, М. Авати, О. Спейт, Т. Шаумян каби олимлар Шарқ мамлакатлари, жумладан Ҳиндистон, Покистон мамлакатлари, Ҳинди-Хитой давлатлари ҳамда Афғонистондаги терроризм, сепаратизм, экстремизм ва сиёсий кураш натижасида ижтимоий низолар юзага келиши масалаларини ўрганишган. Масалан, А.Б.Грешнов ва В.М.Топорков таҳлилий асарлари афғон муаммосининг мазмун-моҳиятини ёритишга хизмат қилди⁷.

Бизнинг мамлакатда ижтимоий зиддиятларнинг маънавий-мафкуравий жиҳатлари Б.Алиев, Р. З. Жумаев, Н. Жўраев, А. Мўминов, Ш. Мамадалиев, Ш. Пахрутдинов, Р. Самаров, И. Саифназаров, Б. Тўйчиев, У. А. Убайдуллаев, Б. Умаров, М. Қуронов, Н. Шермухамедова, Б. А. Хўжанов⁸ каби олимларнинг асарларида атрофлича таҳлил қилинган.

⁶ Ясперс К. Философия. Книга первая. Философское ориентирование в мире. М. Канон+, РООИ «Реабилитация» 2021. - 384 с.

⁷ Грешнов А.Б. Афганский перевод. -М: Товарищество научных изданий КМК, 2017. - С240.; Топорков В.М. Афганистан: советский фактор в истоках кризиса /Монография. – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2014. – С 319с.

⁸ Б.Алиев , А.Рахмонов фуқаролик жамияти куришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: IQTISOD-MOLIEA ,2013. – С. 9; Мамадалиев Ш. О. Халқ хоқимияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2003. – 25–47б.; Пахрутдинов Ш.И. Угрозоустойчивое общество в качестве фактора развития государства и общества. Журнал. Конфликтология., Издательство. Фонд Развития Конфликтологии. Т.4. – Санкт-Петербург, 2016. – С. 67–83.; Самаров Р.С. Куролли Кучлар феминизациялашувининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Зиё, 2005. – Б. 168.; Тўйчиев Б.Т. Роль информатизации общества в развитии политической культуры. Мустақил Ўзбекистон: фалсафанинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1997.; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: Маънавият. – 2006.; Шермухамедова Н. Фалсафа. – Тошкент, 2018.; Жумаев Р.З. Конфликтология асослари / Р. З. Жумаев, У. А. Убайдуллаев, Б. А. Хўжанов. – Тошкент: «Академия» нашриёти. 2000. – 207 б.

Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ айрим муаммолар турли олимлар, айниқса социологлар томонидан ўрганилганига қарамай, танланган мавзу махсус ижтимоий-фалсафий тадқиқот мавзуини ташкил қилмаган. Шу боис ижтимоий зиддиятларнинг табиати ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Фуқаролик жамияти ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий негизларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий зиддиятларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ва усулларини таклиф этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий зиддиятлар ижтимоий воқеликни объектив идрок этиш ва баҳолаш муносабатларини шакллантириш мезони эканлигини очиб бериш;

ижтимоий зиддиятларнинг сабабларини аниқлашга қаратилган услубий воситаларни таҳлил қилиш асосида миллий маънавиятга бевосита ва билвосита таҳдидларнинг намоён бўлиш жараёни бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ижтимоий зиддиятлар юзага келиши сабабларининг ички динамикасини очиб бериш зарурлигини асослаш;

носоғлом ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш борасида давлат ва жамият институтларининг компенсаторлик вазифасини кучайтиришга оид қарашларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини ижтимоий зиддиятлар табиати ва уларни ечиш йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети - ижтимоий зиддиятлар табиати ва уларни ечиш йўллариининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-тарихий, сабабий таҳлил, комплекс ёндашув каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий зиддиятларни олдини олишни таъминловчи регулятив (назорат қилувчи, чегараловчи ва репрессив) ўзаро мулоқотнинг вербал ва новербал усуллари ва мулоқотнинг йўналиши, акс этиши, ахборот узатилиши билан боғлиқ воситалари ишлаб чиқилган;

ижтимоий зиддиятларнинг ички динамикаси (юзага келиш сабаблари) ҳамда уларни бартараф қилишни ташкил этиш учун сиёсий хушёрлик, компетентлик, билим ва малакалардан фойдаланишнинг зарурати илмий асосланган;

замонавий жамият ҳаётининг барча соҳаларида вужудга келиши мумкин бўлган (коррупция, миграция) конфликттоген омилларнинг барқарорликка

таъсири, ижтимоий зиддиятларнинг мавжуд глобал тенденциялари ва уларнинг яхлит дунё манзарасини шакллантиришдаги роли аниқланган;

турли хил ижтимоий зиддиятларни олдини олишнинг методологик, технологик, инновацион омиллари, уларнинг жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги асосий вазифалари ва замонавий ҳаракат механизмлари, шунингдек, умумий ижтимоий ва минтақавий даражадаги муаммоларнинг авж олиши ва камайишига таъсир этувчи ислохотлар динамикаси очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий зиддиятларнинг намоён бўлишига хос хусусиятлар, уларнинг ижтимоий ҳаёт ҳамда жамият барқарорлигига таъсир этиш механизмлари ва чегаралари, шунингдек, фойдали ва хатарли томонлари аниқланган;

ижтимоий зиддиятларнинг салбий оқибатларини прогнозлаш ва олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

носоғлом ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш механизмлари, самарали йўл ва воситалари тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий зиддиятлар намоён бўлишининг хусусиятларига оид хулосалардан Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланишига доир илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий ва сиёсий институтлар, Ички ишлар вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда унинг бўлимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, таълим тизимида, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фуқаролар билан уюштирилаётган давра суҳбатларида, шунингдек, ушбу соҳада маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий зиддиятларнинг табиати ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ижтимоий зиддиятларни олдини олишни таъминловчи регулятив (назорат қилувчи, чегараловчи ва репрессив) ўзаро мулоқотнинг вербал ва новербал усуллари ва мулоқотнинг йўналиши, акс этиши, ахборот узатилиши билан боғлиқ воситаларига оид ғоялардан «Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-1776-сон маълумотномаси). Натижалар дарсликнинг мазмунини такомиллаштириш

орқали таълим сифатини оширишга ҳамда ИИВ Академияси тингловчи ва курсантларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ижтимоий зиддиятларнинг ички динамикаси (юзга келиш сабаблари) ҳамда уларни бартараф қилишни ташкил этиш учун сиёсий хушёрлик, компетентлик, билим ва малакалардан фойдаланишнинг заруратига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизими ташкилотларининг фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республика Маданият вазирлигининг 2020 йил 6 майдаги 01/17-10-2175-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда шахслар, гуруҳлар, миллатлар, динлараро консенсус ривожланишига хизмат қилган;

замонавий жамият ҳаётининг барча соҳаларида вужудга келиши мумкин бўлган (коррупция, миграция) конфликтотен омиларнинг барқарорликка таъсири, ижтимоий зиддиятларнинг мавжуд глобал тенденциялари ва уларнинг яхлит дунё манзарасини шакллантиришдаги ролига оид хулоса ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2020 йилга мўлжалланган фаолияти режасининг концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2020 йил 8 апрелдаги 6/747-сон маълумотномаси). Натижалар ташкилот дастурининг янада мазмунли бўлишига хизмат қилган;

турли хил ижтимоий зиддиятларни олдини олишнинг методологик, технологик, инновацион омиллари, уларнинг жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги асосий вазифалари ва замонавий ҳаракат механизмлари, шунингдек, умумий ижтимоий ва минтақавий даражадаги муаммоларнинг авж олиши ва камайишига таъсир этувчи ислохотлар динамикасига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маҳалла, оила ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маданият, маънавият ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятининг фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маҳалла, оила ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маданият, маънавият ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятининг 2020 йил 12 майдаги 07/1-9691-сон маълумотномаси). Натижалар жамоат ташкилотлари аъзоларини илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш ҳамда ташкилотнинг тарғибот материалларини ишлаб чиқишда намоён бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро даражадаги ва 15 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича мақолалар чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (8 таси республика ва 2 таси хориж журналида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация «Кириш», учта боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий зиддиятларнинг назарий-методологик асослари**» номли биринчи бобида «зиддият», «ижтимоий зиддият» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва тарихий шакллари, ижтимоий зиддиятнинг ижтимоий-фалсафий таснифлари ва уларнинг структуравий-функционал таҳлили назарий-методологик жиҳатдан очиб берилган.

Зиддиятларга тўла бу дунёда қандай қилиб, тўғри қарор қабул қилиш ҳамда муаммоли вазиятлардан талафот ва йўқотишларсиз чиқиб кетиш мумкин, деган саволга кўплаб тарихчи, социолог, сиёсатшунос, психолог, педагог ва ҳуқуқшунос олимлар жавоб излашган. Аммо, низо ва зиддиятларни бошқариш ҳамда тинчликни сақлаб қолишнинг универсал формуласи ханузгача топилмаган. Диссертацияда ана шу масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилинган.

«Зиддият» аслида арабча сўз бўлиб, «бир-бирига хилофлик, фикрий қарама-қаршилик, акслик», «муросага келтириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, душманлик, адоват», «муҳокама юритишда, матнда, назарияда ва умуман предмет, ҳодисаларда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар» каби маъноларни англатади⁹. Бу сўз «келишмовчилик», «тўқнашув», «кураш», «можаро» ва бошқа шу каби тушунчаларнинг барчасини умумлаштириш мақсадида ишлатилади.

Фалсафада зиддият деганда кишиларнинг қарама-қаршилигида ифодаланган ўзаро таъсирнинг маълум бир сифати тушунилади. Шу боисдан ҳам ижтимоий зиддият субъектлари сифатида йирик ижтимоий гуруҳларни кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади. Чунки уларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, интилишлари ҳокимиятдан фойдаланиш орқали амалга оширилганлиги сабабли, сиёсий ташкилотлар фаолиятида бевосита иштирок этишга ҳаракат қиладилар. Зиддиятларнинг ижтимоий

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. «З» ҳарфи / А. Мадвалиев таҳрири остида. — Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашрети, Б.146–147. — URL: [https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek %20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Z.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek_%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Z.pdf)

таракқиётдаги ўрни ўзига хос феноменал характерга эга. Зиддиятлар маълум қарама-қарши томонларнинг қабул қилган имтиёзлари, қизиқишлари, қадриятлари асосида субъектларнинг тўқнашуви билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос динамик тури сифатида ҳам талқин қилинади.

Ўтиш давридаги ижтимоий зиддият деганда муайян бир давлатда инқироз ҳолатининг чуқурлашиши даврида зиддиятлар кучайишининг натижаси ва амалий ифодаси тушунилади. Бу жараён жамиятдаги сиёсий, ижтимоий кучлар, жамоалар тўқнашувига ҳам олиб келиши мумкин. Ижтимоий зиддият асосан жамиятнинг инқирозли ҳолати, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаёт мазмуни, шаклларининг ўзгариши, иқтисодиёт, сиёсат ва маданиятдаги бошқарув механизмининг бузилиши натижасида юзага келади. Мамлакатимиздаги фуқаролик инқирозини олдини олиш йўли туб сиёсий ўзгариш ва ижтимоий модернизация билан чамбарчас боғлиқ.

Ижтимоий зиддият – бу кишилар ўртасида амалга ошадиган мураккаб жараён бўлиб, бу муаммони муросасиз қарама-қаршилиқларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш каби ижтимоий ўзаро таъсирнинг асосий шартлари ва омилларини ўзгартирмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Зиддият замонавий жамиятдаги ижтимоий-маданий ўзгаришларни тушунтириш омили билан боғлиқ бўлган кенг кўламли назарий конструкциялар шароитида кенг даражада ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, зиддият муаммоси илмий-амалий характерга эга бўлади. Ижтимоий зиддиятлар конструктив (функционал) ва ҳалокатли (дисфункционал), ижобий ва салбий, антагонистик ва муроса қабиларга бўлинади. Зиддиятларни ҳал қилиш ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришларни тақозо этади.

Ижтимоий зиддиятларни ўрганиш ва ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан мукамал концепциясини яратиш муаммоси ҳамон сақланиб қолаётганини инобатга олиб, диссертацияда ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш баробарида уларнинг ечимини топиш мақсади қўйилган.

Диссертацияда турли даврларда яшаб ижод қилган Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий зиддият масаласига оид фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Бунинг натижасида зиддият, кураш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини тушунишда қадимги давр, ўрта асрлар ва янги давр файласуфлари орасида яқдиллик йўқлигини кўришимиз мумкин. Қадимги файласуфларнинг баъзилари ҳар қандай қарама-қаршилиқ ва зиддият бартараф этиладиган жамият яратилишига умид қилиб, утопик фикрлар билдирганлар. Ҳар бир мутафаккир зиддият масаласига ўз даври нуқтаи назаридан ёндашган. Илм-фан таракқиёти, ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг кучайиб бориши каби бир қанча омиллар туфайли зиддият янада кенгроқ тарқалди. Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, зиддият масаласини бевосита тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жоиз.

Дунёдаги барча воқеа-ҳодиса ва нарсаларнинг ривожланиш манбаи ва сабаби зиддиятдир. Табиат, жамият ва онгдаги қарама-қаршилиқлар – табиий

ва ижтимоий жараёнлар ривожининг асосий манбаи ва сабабидир. Диалектикада қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни яқка нарса ёки ходисанинг қарама-қарши тарафларга бўлиниши сифатида талқин этилади. Бўлинган қарама-қарши томонлар ўртасида кечадиган тўхтовсиз кураш эса бутун олам тараққиётининг манбаи ва сабабидир.

Ижтимоий зиддият муаммоларини ўрганишда зиддиятнинг асосини ташкил этадиган низоларнинг умумий назариясини ҳам ҳисобга олиш керак. Низолар турли руҳий ҳолатдаги субъектларнинг эҳтиёж, қизиқиш, манфаат ва қадриятларидаги тафовутлар туфайли бир хил ёки турли руҳий ҳолатлардаги одамлар ўртасида, ижтимоий соҳалар (саноат, иқтисодиёт), ижтимоий муассасалар (оила, мактаб, транспорт), ижтимоий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари), миллатлар, мамлакатлар ва бошқалар ўртасида юзага келади.

Диссертацияда ижтимоий зиддиятларнинг синфлар, ижтимоий гуруҳлар, оила, армия, таълим тизими, давлат, дин, сиёсий партиялар, тарихий жамоалар, жамиятлар ва цивилизацияларда намоён бўлиш даражалари ўрганилган.

Ижтимоий зиддиятларнинг объекти – жамият ҳаётининг барча жабҳаларида турли кўринишларда намоён бўладиган ижтимоий зиддият ва тўқнашувлар, предмети эса жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг табиати, сабаблари, механизмларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, кузатиш ва ҳал қилиш технологияларини ишлаб чиқишдир. Улар диссертацияда батафсил ёритилган.

Ижтимоий зиддиятларга берилган таърифларда куйидаги ижтимоий субъектларни кўриш мумкин: ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий ташкилотлар, миллатлар, жамиятлар, цивилизациялар.

Табиат ва жамиятдаги барча зиддиятлар статик ва динамик турларга бўлинади. Статик зиддиятлар махсус тизим сифатида икки таркибий қисмдан, яъни тарафлар (одамлар, ҳайвонлар, объектлар, назариялар) ҳамда улар ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади. Боулдинг фикрича, зиддият томонлар бир-бирларининг хоҳиш-истакларига мувофиқ келмайдиган вазиятни эгаллашлари туфайли юзага келадиган аниқ бир жараёндир.

Динамик зиддиятлар эса бихевиоризм ёки хулқ-атвор психологияси деб аталадиган замонавий концепцияга асосланади. Унга кўра инсон атроф-муҳит таъсирига жавобан доимо «стимул-реакция» принципига риоя қилади. Шу боис зиддиятнинг кучайиб бориши ёки динамикаси ўзаро рақобат муҳитида инсонга хос хулқ-атворнинг юзага чиқиши билан боғлиқ.

Ижтимоий зиддиятлар масаласини тадқиқ этиш Ўзбекистонда фан сифатида давлатимиз мустақилликка эришиши билан бир вақтда бошланган. Буни Р. З. Жумаев, У. А. Убайдуллаев, Б. А. Хўжанов каби олимларнинг илмий асарларида кўриш мумкин. Геосиёсат соҳасида изланишлар олиб борган А. Ҳасанов ҳам зиддиятлар ва уларни бартараф этиш усулларига оид

тадқиқотлар ўтказган. Ҳозирги вақтда ижтимоий зиддиятларни чуқур тадқиқ этиш учун конфликтология фани ўқитилмоқда.

Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар натижасида «ижтимоий зиддият» тушунчасига «эҳтиёжлар сабабли турли мақсад ва манфаатларни кўзлаш натижасида юзага келадиган вазият» деган таъриф берилган.

Биринчи боб зиддиятнинг моҳиятини тавсифловчи концептуал тизимнинг тўртта асосий таркибий қисми, яъни тузилиши, динамикаси, функцияси ва зиддиятларни бошқариш хусусиятларини таҳлил қилиш билан яқунланган.

Ўзаро муносабатларда зиддиятнинг олдини олиш, ижобий муносабат ўрнатиш ва уни сақлаб қолиш учун қуйидаги маслаҳатга амал қилиш зарур: «Аввало, ҳовурдан тушинг, вазиятни таҳлил қилинг, суҳбатдошингизга муаммонинг сабабини тушунтиринг, зиддиятдан «чиқиш» имконини қолдиринг». Ижтимоий зиддиятни тўлиқ англаган ҳолда баҳолаш унинг ечимини топишга имкон беради.

Бундан ташқари, хулоса сифатида, бугунги кунда аксарият ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари ижтимоий зиддиятлар муаммосини ўрганишга шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда яшаб қолиши шarti сифатида қарашлари изоҳланган. Инсоният ҳаётига хавф солувчи ҳодисалардан бўлган ва тобора шафқатсиз тус олаётган чеки йўқ уруш ва зиддиятлар, террорчилик, жамиятда турли «фобия»ларнинг кенг тарқалиши, ҳар бир индивидуал онгнинг зарарли стереотипларга мойиллиги жамият ва инсон ҳаётида мавжуд зиддиятларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниш ва ўрганишни тақозо этаётгани таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий зиддиятларни бартараф этишнинг замонавий моделлари**» номли иккинчи бобида ижтимоий зиддиятларнинг глобал жамиятда намоён бўлиши, таркибий қисмлари, ривожланган Ғарб ва Шарқ давлатларининг ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш тажрибаси диалектик жиҳатдан ўрганилган, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий зиддиятларни бартараф этишдаги роли атрофлича таҳлил қилинган.

Ижтимоий зиддиятлар ҳозирги воқеликда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бугун ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ушбу турдаги зиддиятлар кўламининг кенгайиши билан бирга кечмоқда. Улар нафақат катта ижтимоий гуруҳларни, балки миллий жиҳатдан бир хил ва турли этник жамоалар яшайдиган бутун бошли ҳудудларни қамраб олади. Бу XX аср охирида бошланган ва турли жамиятларда рўй бераётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ.

Зиддиятлар маънавий, моддий, иқтисодий, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга кўра юзага келади. Зиддиятни яхши тушуниш учун унинг келиб чиқиш сабабларини чуқурроқ ўрганиш лозим. Масалан, эр-хотин ўртасидаги зиддиятларга, аввало, уларнинг мутлақо бошқача қадриятларга асосланган оилаларда, турли маънавий ва моддий шароитларда тарбияланганликлари,

бир-бирларини ҳурмат қилмаслиги, тушунмаслиги, қўллаб-қувватламаслиги, оиладаги моддий қийинчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

Зиддият белгилари зиддият иштирокчилари томонидан қабул қилинган ҳолатнинг мавжудлиги, зиддият объектининг баҳс-тортишувларга сабаб бўлиши, зиддият қатнашчиларининг ўз мақсадларига эришиш учун низолашишга тайёрликларида намоён бўлади.

Диссертацияда ҳозирги даврга хос техноген цивилизация, постиндустриал ва ахборотлашган жамиятда глобаллашув жараёнининг ички зиддиятлари кескинлашиб бораётганига эътибор қаратилган. Бу жараёнлар, бир томондан, компьютер технологиялари, интернет ва уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни кучайтириб, умуминсоний қадриятларнинг оммалашуви ва универсаллашуви таъминламоқда. Бошқа томондан, тарихий-маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши, турли миллат ва элатлар вакиллари маданиятининг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви, айрим миллатларнинг этноэгоцентризм кайфиятига берилиб, дунёда гегемонликка интилиши, «оммавий маданият» эскалацияси жадаллашиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари масаласида глобал ва хусусий талаблар ўртасидаги зиддиятнинг олдини олиш масалалари кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Либерал-маданий ёндашув тарафдорлари зиддиятларнинг, хусусан, миллатчилик шаклида намоён бўлаётган зиддиятнинг асосини миллий маданиятда ва у билан боғлиқ миллий ўзига хосликни сақлашга интилишда, институционал-норматив ёндашув вакиллари эса миллий ўзига хосликнинг тамал тошини ташкил этувчи маънавий-ахлоқий қоидаларни институционал даражада расмийлаштиришдаги ўзига хосликда кўрадилар.

Иккинчи ёндашувга Маргарет Моор илгари сурган миллатчиликнинг норматив назарияси мисол бўла олади. Унда миллатчилик «миллат, глобал дунёнинг ўзига хос қисмини ташкил этувчи асос бўлган миллатга тегишлиликнинг маънавий аҳамиятини ифодаловчи, унинг ўтмиши ва келажакда мавжуд бўлишига хизмат қилувчи норматив ўзак»¹⁰ ҳисобланади. М.Моор миллий ўзига хосликни институционал даражада тан олиш зарур деб билади. Бу масалаларнинг ечими кўп жиҳатдан ижтимоий адолатни қарор топтириш муаммоси билан боғлиқ.

Хусусан, сўнгги пайтларда миллий-этник кўринишидаги зиддият ва тўқнашувларнинг вужудга келиш хавфи ошиб бормоқда. Айрим олим ва сиёсатшуносларнинг келажакда Ғарб ва Шарқ тамаддунлари ёки насроний ва ислом дунёлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши ҳақидаги тахминлари, жумладан, С. Хантингтоннинг кенг акс-садо уйғотган ХХІ аср турли маданиятлар ўртасидаги тамаддунлар тўқнашуви асри бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ана шу вазиятни таҳлил этиш асносида пайдо бўлган¹¹.

¹⁰ Moore M. The Ethnicity of Nationalism. — Oxford, 2001. — P.5.

¹¹ Толстых В. Глобальные вызовы и поиски ответа: социокультурный аспект // Грани глобализации: трудные вопросы современного развития. — М., 2003. — С. 388-389.

Жамиятдаги ижтимоий зиддиятнинг табиати муқаррар равишда турли хил сиёсий кучлар ва жамоалар - синфлар, демографик ва профессионал гуруҳлар, миллатлар, этник гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ҳаракатлар ва бошқалар тўқнашуви бўлганида кучайиши билан боғлиқ. Ижтимоий қарама-қаршилиқлар жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, миллий ва бошқа соҳаларида ёрқин намоён бўлади.

